

CREATIVE WORK OF ALISHER NAVOI**Uralov Ahtam Sindarovich**

Doctor of Architecture, Professor

(Samarkand State Institute of Architecture and Construction, Uzbekistan)

+998973934811

Kholdorov Husan Nortojievich

Independent Researcher (Samarkand State Institute of Architecture and Construction, Uzbekistan)

+998981108886

Abstract: The article, based on the study of historical sources of the time of Navoi, extensively covers the creative works of the great poet of the East and statesman Alisher Navoi (Khondamir, Muhammad Khivaki, Navoi, Babur) in the field of architecture, urban planning, landscape art and landscaping works carried out by him in Herat and other territories of Khorasan. It is reported that Navoi built mosques, madrasahs, hospitals, Khanqah, Langarkhana, caravanserais, baths, Rabats, ponds, bridges, dug wells and canals for the administration of the people and citizens' comfort. By the author developed the first table on the objects constructed by Alisher Navoi, their location and territories based on specific examples. It is proved that Navoi was not only a great poet of the East, but also a great creator, that is, the architect of his time and people. It is proved that Navoi was not only a great poet of the East, but also a great creator, that is, the architect of his time and people.

Key words: Alisher Navoi, Herat, Khorasan, architecture, urban planning, landscape art, landscaping works, geography of Navoi's creative activity, table of his creative works.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ**СОЗИДАТЕЛЬНЫЕ РАБОТЫ АЛИШЕРА НАВОИ****Уралов Ахтам Синдарович**

Меъморчилик фанлари доктори, профессор

(Самарқанд давлат архитектура – қурилиш институти, Ўзбекистон)

+998973934811

Холдоров Хусан Нортожиевич

мустакил излонувчи (Самарқанд давлат архитектура – қурилиш институти, Ўзбекистон)

+998981108886

Аннотация. Мазкур мақолада Шарқнинг буюк шоири ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг Ҳирот шаҳри ва Хурросоннинг бошқа худудларида меъмор-чилик, шаҳарсозлик, бөг-истироҳатчилик ва эл-юрт маъмурчилиги йўлида олиб борган хизматлари Навоий даврининг тарихий манбалари (Хондамир, Муҳаммад Хивақий, Навоий, Бобур,) асосида кенг ёритиб берилган. Навоийнинг эл-юрт маъмурчилиги ва фўқароларнинг фаравонлиги учун масжид, мадраса, шифохона, хонақоҳ, лангархона, (етим-ешир ва тарифларга овқат бериладиган жой), карвонсарой, ҳаммом, работ, ҳовуз, куприклар қурдиргани, қўдук ва каналлар қаз-диргани ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Навоий амалга оширган бунёд-корлик

объектлари, улар қурилган шаҳар ва ҳудудлар аниқ мисолларда илк бор жадвал кўринишида ишлаб чиқилган. Мақолада Навоийнинг нима сабаб-дан”биное тарҳ қилмоқким ҳамеша” деб ёзгани ва унинг нафақат Шарқнинг буюк шоири, балки улкан бунёдкори, яъни меъмори ҳам бўлганлиги исботлаб берилган.

Таянч сўзлар: Алишер Навоий, Ҳирот, Хурросон, меъморчилик, шаҳар-созлик, боғ-истироҳатчилик, эл-юрт маъмурчилиги, Навоийнинг бунёдкорлик географияси, бунёдкорлик ишларининг жадвали.

Аннотация. В статье на основе изучения исторических источников времени Навои(произведения Хандамира, Мухаммеда Хеваки, Наваи, Бабура) широко освещены созидательные работы великого поэта Алишера Навои в области архитектуры, градостроительства, садово-паркового искусства и благоустроительные работы, осуществлённые им в Герате и в других территориях Харасана. Приведены сведения о типологии зданий и сооружений Наваи: мечети, медресе, лечебное учреждение, хонака, лангархана, караван-сарай, хаммам, рабати, водоемы, мосты, колодцы, арыки, сохранявшиеся до нашего времени. Построенные Алишером Навои объекты, их месторасположения и территории на основе конкретных примеров впервые разработаны в виде таблицы. Доказано, что Наваи был не только великим поэтом Востока, но и великим созидателем, то есть зодчим своего времени и народа.

Ключевые слова: Алишер Навои, Герат, Харасан, архитектура, градо-строительства, садово-парковое искусство, благоустроительные работы, география созидательной деятельности Навои, таблицы его созидательных работ.

Кириш. Биз Амир Темур ва Темурийларнинг давлатчилик, эл-юрт маъмурчилиги, илм-фан, маданият, санъат ва бошқа соҳалардаги хизматлари, сайд-харакатлари ҳақида кўп гапирганмиз, илмий-тадқиқотлар ва китоблар ёзганмиз. Г. Пугаченкова, М. Бобоҳаджаев, М. Массон, Б.Аҳмедов, П.Зоҳидов, А. Муҳаммаджонов, А.Ураловлар ана шундай олимлар қаторига киради. Бироқ, тан олиш керакки, темурийлар билан ёнма-ён тарзда фаолият кўрсатган, хусусан темурий Ҳусайн Бойқарога елкадош бўлган буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг улкан адабий-бадиий мероси, унинг аҳамияти ва долзарблиги ҳақида кўп ва хўп гапирганимиз, ёзганимиз ҳолда унинг шаҳарсозлик, меъморчилик, ҳалқ манфаати ва юрт ободончилиги йўлидаги хизматлари хусусида фақат тор доирада илмий маъруза ва семинарлар тарзида гапириб, уларни кенг ҳалқ оммасига тўлиғича етказа олган эмасмиз. Ваҳоланки, Темурийларнинг бунёдкорлик фаолияти, меъморчилик ва тасвирий санъатга ҳомийлик қилиш анъаналари Хурросонда Алишер Навоий томонидан таҳсинга сазовор тарзда давом эттирилган. Мазкур ишда Навоийнинг ана шундай бунёдкорлик ишлари Навоий даврининг тарихий манбалари асосида тадқиқ қилинган ва илк бор ягона жадвал ҳолига келтирилган.

Асосий қисм. Мир Алишер Навоий (1441-1501) Ҳиротда вазирлик йилларида бутун кучини мансаб ва шон-шавкат учун эмас, балки эл-юрт учун хизмат қилишга, хушёр аҳли ва ҳакимлар ишини ҳалқ фаровонлигига йўналтиришга, бунёдкорлик ва маърифатга қаратди. Ўша даврнинг машҳур тарихчиси Хондамир ўзининг “Хуносат ул-ахбор”да бу ҳақда қўйидагиларни ёзади: “Амир Алишернинг фазлу ҳунар табақасининг аксарига ғамхўрлиги зўрdir. Тазқиб (олтин суви билан нақилаш) ва тасвир илму ҳунарида бенуқсон ва чексиз бўлган қалам аҳллари, шунингдек, замон наққошлари ва давр муҳандисларининг кўти ул ҳазратнинг тарбия ва таълим воситаси билан бу ҳунарларни ўргандилар ва атроф оламда монанди йўқ яхшилар тенги бўлдилар [1]. Ўша кезларда Навоий “фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги ғарib ҳамда мусофиirlарнинг фарокати учун” кўплаб жамоат бинолари ва иншоотлари: хонақоҳ, масжид, мадраса, карvonсарой, ҳаммом, работ, ҳовуз ва кўприклар курдирган. Тарихчи Хондамир Навоий қурган баъзи иморатларнинг аниқ тафсилотларини келтиради. Улар орасида

52 работ, 18 масжид, 3 мадраса, 16 кўпприқ, 19 ҳовуз, 9 ҳаммом ва бошқа бир қанча иморатлар ва иншоотлар бор. Работлар чўл ва сувсиз биёбонлардан ўтувчи узоқ карвон йўлларида савдогар ва йўловчиларнинг хотиржам қўниши ва тўхтаб дам олишлари учун қурилган бинолардир. Улар таркибида меҳмонхона, масжид, дам олиш хоналари (хужралар), қудуклар ва ҳатто юк ҳайвонларини боғлаш учун ҳовлилар ҳам бўлган.

Маълумки, Алишер Навоий Астрободда ҳам қарийб икки йил ҳоким бўлиб, ободончилик, маъмурчилик, бинокорлик ишларига катта эътибор берган. Хива хони Оллоқулихоннинг (1825-1842 йиллардаҳукм сурган) Хуросонга қилган ҳарбий юришларидан бири ҳақида “Сафарнома” асарини ёзган Мухаммад Назар ибн Мулло Сайдниёз ал-Хевакий Алишер Навоий билан боғлиқ қизик бир воқеани баён қиласди: “Оллоқулихон қўшинлари Хуросон йўлида Мир саройи отлиқ мавзеким, Султон Ҳусайн Мирзонинг салтанати айёми ва Мир Алишернинг Астробод мамоликига (мамлакатига) ҳокимлиги ҳангомида бир саройи дилкуший ва қасри фараҳ афзой бино қилдургон эркан Ҳамул ерга музули ижслол буюрдилар” [2]. Муаллиф таъкидлаганидек, “Дилкушо ва фараҳ афзо”, яъни кўнгилни шодлантирадиган ва қувончни оширадиган бу сарой Астрободда XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам мукаммал сақланганлиги ҳамда унинг Алишер Навоий номи билан боғлиқ ҳолда “Мир саройи” деб аталиши эътиборга лойикдир. Шунингдек, Навоий Астрободда жоме масжидини ҳам бунёд этади ва бошқа кўпгина ободончилик ишлари билан шуғулланади. Навоий ҳозирги Туркманистон худудида жойлашган Марв (Мари) шахрида ҳам “Хусравия” (1476-1477) номли улкан масжид қурдирган. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, бу масжид юз йилга яқин вақт ичида бузилмай сақланиб келган.

Навоий Марвда, бундан ташқари, камбағал етим-есирлар, ғарилар овқатланадиган жой – Мавлоно Сиррий лангархонасини ҳам қурдирган. Маълумки, Хуросоннинг тоғлиқ ерлари кўп бўлганлигидан йўллардаги оқар сувлардан кечиб ўтиш ҳам осон бўлмаган. Шу боисдан тоғ ва дарёларга кўпприқ қуриш эл эътиборидаги хайрли ишлар қаторига кирган. Мустаҳкам ва соз қўприклар эса катта харажатлар талаб қилган. Алишер Навоий 16 кўпприқ солдириб, ҳалқ мушкулини осон қилган.

Навоий Хуросон музофотида бир қанча булоқлар очтириб, каналлар қаздиради, ариқлар олдириб, қақраб ётган ерларга сув чиқаради, ҳовузлар, қудуклар қаздиради. Ҳовузлар маҳалла ва гузарлар, масжид ва мозорлар қошида, карвон йўллари устида бунёд этилади. Хондамирнинг хабар беришича, Навоий қурган айрим ҳовуз ва кўприклар мармардан ишланган. Навоий даври меъморчилигига қурилган ҳовузлар тархи тўрт ва саккиз бурчакли бўлиб, қирғоқлари тош тахталар билан обод этилган. Ҳовузлар бўйларига мажнунтоллар ва ғужумлар (сада) экилган. Улар соясида ҳалқ поғонали тош тахталар устида ўтириб дам олган.



Навоий қурдирган кўприкнинг дастлабки ва замонавий таъмирдан кейинги қўринишлари

Навоий ҳалқарвар ва ибратли кишиларнинг қабрлари устида ёдгорликлар, сағаналар, хонақоҳлар ҳам қурдирган. Алишер Навоий жангут жадал ва зилзилалар асоратидан зарар кўрган, ҳалқ орасида машхур бўлган кўхна биноларни қайта тиклаб, таъмир этишдек ғоят мураккаб ишларга ҳам қўл

урган. Хиротдаги XIII аср меъморчилиги ёдгорлиги – машҳур Масжида жоменинг таъмири ҳақида Хондамир ўзининг “Хулосат ул-ахбор” асарида куйидаги хабарни ёзиб қолдирган: “... Султон Бойқаро ҳазратларининг дўсти Амир Алишернинг равишан хотирига нур сочиб, ўзининг тамом олий неъмат ҳимматини бу шарафли масжид биносини янгилаш ва ул олий ибодатхонанинг асосларини мустаҳкамлашини тезлаштиришига қаратди... 903 йилнинг рамазон ойида (1498 йил, апрел-май) биринчи навбатда мақсуранинг қулаги тушибган гумбаз ва пештоқини тиклашга амр қилди. Ундан сўнг тажрибали меъморлар ва диққаткор муҳандисларнинг маслаҳати билан мустаҳкам бўлмаган ул бинони тузатишга ишорат қилди, унинг икки томонига мақсура суфа ва олий дараҷасали айвон қурдирди. Шу жиҳатдан улкан тоқ мустаҳкамланди ва у таърифлаб бўлмайдиган дараҷада маҳкам бўлди. Ва ул хайр-саҳоватли бинокор ўша иморат хусусида кўп гамхўрлик туфайли, ҳар куни ўша шарофатли жойга ташириф буюорар эди. Кўп кунлар этагини белига қистириб, ёллаган ишчилар сингари усталарга гишит узатарди ва бошқа ишлар қиларди. Тез-тез ўша ердаги меъморларга, усталарга ва косибларга қимматбаҳо саруполар кийдирарди ва кўп навозии ва бошқа инъомлар билан хушдилни хурсанд қиларди. Шундай қилиб ... уч-тўрт йиллик иши олти ой муддат ичидаги тамомланди”[3]. Шундан сўнг, Мир Алишер бинога зеб бериш мақсадида, таниқли муҳандислар, кошингтарошлар, ҳунарманд нақошлар ва сангтарош усталарни йифиб, улардан бу ишни сўрайди. Тартиб билан бошланган бу олижаноб иш ҳам бир йил ичидаги “ғоят покиза ва безалиш” билан тугалланади. Баъзи бир маълумотларга кўра, мазкур масжиднинг чараклаб турган салобатли, жилвадор пештоқ ва деворларига машҳур Мирак Накош ва у бошчилигидаги бир қанча ҳунармандлар нақшлар ишланган[4]. Навоий биноларнинг атрофларига, улар ташкил этган меъморий муҳитнинг мазмуни ва манзарасига ҳам катта эътибор берган. Хондамир Навоий таъмиридан сўнг жоме масжиднинг “...атрофлари ва суфалари ажисб қашифиётларнинг кўплиги билан қолган бинолардан мумтоз ва мустасно бўлди”, - деб ёзади. Масжидни битирган ва безаган усталар сони қарийб юзта бўлган. Навоий таъмир этиб, зеб берган ушбу жоме масжида ҳовлисининг узунлиги 114 метр, эни 84 метр бўлиб, 6 та дарвозали бўлган. Жоме масжида ҳозир ҳам Ҳиротнинг энг гўзал обидаларидан бири ҳисобланади.



Навоий таъмир эттирган Ҳирот жоме масжидининг бош тарзи (чапда) ва ички ҳовлисининг кўринишилари

Жоме масжида таъмиридан ташқари Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” асарида Навоийнинг Ҳирот ва бошқа шаҳар, қишлоқлардаги 17 та масжидни қайта тузаттирганлиги ҳақида ҳам сўз юритади.

В.Бартольдинг ёзишича, Навоий булардан ташқари Қобус минорасини тузаттирган, шунингдек, Аслон-жозиба работини қайта тиклатган. Ҳиротдаги боёна ўйларни безашда Навоий меъморларга рангли деразалардан фойдаланишни таклиф қиласиди[5].

Навоий вазирлик вазифасидан истеъло бергач, унинг дўсти султон Ҳусайн Бойқаро Алишерга ўй-жой ва боғ битмоғи учун шаҳар ташқарисидаги хушҳаво Инжил канали бўйидан ер ва сув ажратиб

беради. У ерга Навоий ўзига атаб ҳовли-жой, боғча ва катта кутубхона бунёд этибгина қолмай, 1475-1481 йиллар орасида бир қанча хайрли қурилишларни ҳам амалга оширади. Академик Г.А.Пугаченкованинг фикрича, бу қурилишларнинг умумий бош режасини Навоийнинг ўзи таклиф этган бўлиб, қурилиш Ҳиротнинг қатор устакор меъмор, мухандис, бинокор ва наққошлари томонидан амалга оширилган[5].

Навоийнинг шахсан ўзи иш бошида тургани учун меъморлар ва қурувчилар алоҳида завқ-шавқ билан меҳнат қилишган. Навоий Инжил канали бўйида ҳашаматли “Ихлосия” мадрасаси ва унинг қархисида эса ғоят гўзал ва кўркам “Халосия” хонақосини солдиради. Навоий ўзининг “Вақфия” асарида бу ҳакда шундай ёзади: “Ихлосия” мадрасаси муқобилисидаким, ... хонақоҳ бино қилинди”[6]. Кўриниб турибдики, ҳар иккала бино ёрдамида Инжил суви бўйида тартиб ва зукколик билан бир меъморий мажмуа-ансамбль бунёд этилган. Навоий бунёд этган ушбу меъморий ансамбль ташкил этилишига кўра, Ўрта Осиё шаҳарсозлик назариясида “қўш услугуб” номи билан машҳур. Самарқанддаги Регистон майдонида оламга машҳур Улуғбек ва Шердор мадрасалари ҳам “қўш” услугидаги ансамбль кўринишида бунёд этилганлиги ҳақида биз юқорида эслатиб ўтдик. Бу услугнинг асосий хусусияти шундан иборатки, ансамбль таркибидағи биноларнинг бош пештоқи бир бирларининг рўпарасида жойлашмоғи керак. Улар орасидаги масофа ушбу бинолар бош тарзлари энининг йифиндиси ярмидан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир. Бинолар орасида майдон жойлашган ёки кўча ўтган бўлиши мумкин.

Биноларни қўш услугидаги мажмуа тарзида бунёд этишдан асосий мақсад бинолар орасидаги гавжум майдон ёки қўчада кун давомида соя-салқин ташкил этишдир[7].

Бу услуг ёрдамида Инжил канали бўйида ташкил этилган муҳташам меъморий муҳитда ҳам хушҳаво мўъжаз иқлим яратилганки, бу шаҳарсозлик бобида эътиборга лойикдир. Навоий шаҳар ташқарисидаги Инжил мавзесида янги жоме масжидини қурдиради. Бу ҳақда Хондамир шундай ёзади: “... У шундай иморатки, унинг соғ ва энг яхши мақсуралари ложувард ва тилло суви билан безатилгандир... Бу баҳт-саодатли ва фаровон масжиднинг зар билан сирлаб моҳирона ишланган икки минораси осмон сари бош кўтарган. Тенгги йўқ бу масжиднинг шимолий тарафида камоли зеби зийнат билан қориҳона – дорилҳаффоз ҳам қурилиб, унинг девори ва шифтлари ложувард ва тилло суви билан безатилгандир” [3].

Навоий ушбу масжиднинг жанубий томонида “Халосия” хонақоси, ғарбида, Инжил яқинида “Шафоия” шифохонаси, унинг қархисида эса “Сафоия” ҳаммомини, улар қошига ҳовуз ҳам қуради. Шуни таъкидлаш керакки, Навоий Ҳиротда қурдирган биноларида ҳозирги меъморчилигимизда биз янгилик деб ишлатадиган анжуманликка-комплекс-ликка эришишга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам. Қуришга ажратилган Инжил канали бўйидаги майдонга Навоий ўз даврининг етук меъморлари билан маслаҳатлашиб, қурилажак иморатлар ва ташкил этилажак хайрли хизматлар турини мумкин қадар анжуманлаштирган. Бу ердаги иморатлар орасида уй-жойлардан ташқари, мадраса, хонақоҳ, шифохона, ҳаммол, ҳовузлар, савдо расталари, дам олиш хиёбонлари, боғ-роғлар мужассам бўлган. Навоий солдирган иморатлар ўзининг кўркамлиги, хушхаволиги, зебу зийнати, маҳобати билан бошқа иморатлардан ажралиб турган. Алишер Навоий қурган бинолар услуби ва архитектураси шоир замондошлари қўллэзмаларида, Навоийнинг ўз асарларига битилган миниатюраларда тўлиқ бўлмас-да, жозибадор тасвирланган. Г.А.Пугаченкованинг фикрича, бу миниатюралар Навоий яшаган давр меъморчилигидан акс-садодир. Шоирнинг “Хамса”сига ишланган миниатюраларда боғлар, боғ кўшклари, ҳаммол, ҳовузлар, фавворалар тасвирини учратамиз. Миниатюралардан бирида Навоий даврининг ҳаммоллари ғоят ҳашамдор қилиб безатилганлигини, уларга қадимий Шарқнинг фаришта қушлари Анқонинг тасвири ифодаланганлигининг шоҳиди бўламиз[8].

Ювиниш залининг поли мармар тахталар, изораси эса одам бўйи баландлигига ҳошияли ложувард нақшлар билан безатилган. Деворнинг юқори қисмига содда нақшлар, пештоқига эса ўсимликсизон шакллар билан ҳашам берилган.

Навоий Нишопур шахрига машойхлар қабрини зиёрат қилишга борганида қабрларнинг кўпчилиги бузилишга яқинлашганини кўриб, хижолат тортади ва уларни тузатишга буоради. Ўшанда бузилган қабрлар давр услубида қайта тикланиб, Навоий шуъласидан нур олади. Навоийнинг бузилган биноларни кўрганда қайғуриши, уларни тартибга солишдаги харакати Навоий табиати учун табиий бир ҳол ҳисобланган бўлса ажаб эмас. Буни Навоийнинг Машҳадда бўлганида 1405-1418 йилларда қурилган Гавҳаршод масжидининг айрим жойларини кўриб, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш учун қилган харакатларида ҳам кўришимиз мумкин. Шунинг учун бўлса керак, кейинчалик Гавҳаршод масжидида Алишер Навоийнинг алоҳида айвони ташкил этилган бўлиб, у масжиднинг ўша тузаттирилган эски ховлисида жойлаштирилган.

Бундан ташқари, Навоий Машҳадда шаҳар хиёбонига катта ариқ ётқизиб уни обод этади ва ўзи эътиқод кўйган имом Ризо (Х аср) мақбарасининг жанубий қисмига ғоят бир гўзал айвон бунёд эттириб, ул жойни Куръон ўқишига мослаб “Доруш-хуффоз ташкил қиласи. Шуниси эътиборга лойиқки, Навоий қурдирган айвоннинг нақшин устунлари бўлиб, улардан бирига ўзининг эмас, балки дўсти ва ҳамкори Хусайн Бойқаро номини нақшлатган[9].

Алишер Навоий ўзининг устози ва дўсти Абдураҳмон Жомий вафотидан сўнг сармозори устига маҳобатли мақбара қурдиради. Хондамирнинг ёзишича, ушбу мақбара ўзининг “кенглиги ва юксаклиги ҳамда хушҳаволиги билан машҳур” бўлган. Навоий даврида қурилган Мозори Шариф шахридаги “Намакдон” деб аталмиш бино ошхонали меҳмонхона бўлган. Бино ташқаридан 12 тарафлама, ичкаридан 8 тарафлама (“панорама”га ўхшаш) кўринишга эга бўлган. Бинонинг кўкарамзор ва гулларга бой ҳовлисидаги мармар ҳовуздан доим сув оқиб турган. Ҳовуз “Оби зам-зам” деб аталган. Ҳовлида тўртта равоқ орқали чиқилган. Афғон мутахассисларининг маълум қилишича, ушбу табаррук бино кўп йиллар ҳалқ хизматида бўлган ва афсуски, бундан йигирма йил бурун бузилиб кетган[10].

Шунингдек, Навоий замондошлари бўлмиш кўпдан-кўп қўли қисқа ижод ахлига ҳам ўз ҳисобидан ҳовли-жой қилиб бергани тарихий манбалардан маълум. Алишер Навоий ўз ҳаёти давомида “минг бир” хайрли ишни бажаришни ният қилган эди. Шулардан 366 таси бинолар ва таъмирлаш бўлиб, бу вазифани у шараф билан бажарди. Навоийнинг меъмор-муҳандислар билан мулоқотда бўлиши, баъзи меъморий масалаларда улар билан баробар фикр юритиши шоирнинг муҳандислик соҳасидаги истеъдодидан дарак беради. Бундан ташқари, Навоийнинг меъморлар санъатига бўлган шахсий қизиқиши ҳам жиддий аҳамиятга эга бўлган. Шу боисдан бўлса керак, Навоий кўп қурилишларнинг тархини ўзи тузар, айрим меъморларнинг хато ва камчиликларини кўрсатиб берар ва ўз фикрини мунтазам кўп бурчаклар, айлана ва доиралар ҳақидаги қонуниятлардан далил келтириб исботлар эди[11].

Ҳозирги кунда Алишер Навоий бунёд этган бинолар, мақбара, канал ва сув омборларидан айримлари сақланиб қолган. Уларнинг ҳамон ҳалқ хизматида эканлиги айниқса, бизни қувонтиради. Сақланиб қолган бино ва иншоотларнинг бизга маълумларини санаб ўтамиз[2]:

- 1) Қадимий Ҳазрат Ризо Алайху Салом мақбарасига қурилган жанубий айвон ва мақбара атрофидаги кўк тошдан фарш қилинган 64x104 метрлик кўхна саҳн (Машҳад шахри, Эрон);
- 2) Машҳад шахрига ўтказилган, шаҳарни ҳозир ҳам сув билан таъминловчи канал;
- 3) Машҳаддаги шаҳар хиёбони анҳори;
- 4) Машҳад шахри атрофидаги “Осиён Мир Алишер” номи билан элга танилган сув тегирмони;
- 5) Хирот йўлидаги Хавф қишлоғидаги сув ҳавзаси – омбори Машҳад;
- 6) Устоз Фахриддин Атторнинг Нишопурдаги сағанаси (Эрон);
- 7) Буст шахридаги Сангибаст работи (Афғонистон);
- 8) Дезободдаги Дезобод работи (Афғонистон);
- 9) Тарак қишлоғидаги фиштдан ишланган сув омбори (Афғонистон);
- 10) Лангар қишлоғидаги Қосимул Анварнинг зиёратгоҳи (Афғонистон);

- 11) Ҳиротда таъмир этилган шаҳар жоме масжиди;
- 12) Ҳирот Гозургоҳидаги Абдуллоҳ Ансорий меморий мажмуаси.

Навоийнинг қурдирған биноларига шоирона чиройлиномлар қўйиш одати бўлган. Ихлосия, Халосия, Шифоия, Сафоия, Низомия, Хусравия ва Финоия шулар жумласидандир. Бино номлари маънодор, “исми жисмига монанд”, шунингдек, заруриятга қараб абжад ҳисобида қурилиш йили тарихини ҳам ифодалаши мумкин бўлган. Масалан, Ихлосия мадрасасининг номи Навоийнинг дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога бўлган шахсий ихлосини, миннатдорчилигини билдириса, Шифоия шифохонасининг номи соғлик, шифо, Сафоия ҳаммомининг номи эса озодалик, поклик маъносини англатган. Хусравия мадрасасининг номи бинонинг биринчи ғиштини қўйган мархум шаҳзода Мирзо Муҳаммад номи ҳамда унинг қурилиш йилини ифодалаган[2].

Алишер Навоий ўзининг Инжил канали ёқасида олиб борган бунёдкорлик ва ободончилик ишларини “Вакфия” асарида қайд этиб ўтаркан, ушбу доим гавжум ва Ҳирот ахлига манзур меморий анжуманга “Неъматобод” деб ном беради[6] :

*Бу буқъаки то биноси бунёд ўлди,
Эл ҳожсат ила факрдин озод ўлди,
Дарвешу гани неъматидан шод ўлди,
Бу важдин оти Неъматобод ўлди.*

Дарҳақиқат, Навоийнинг Инжил бўйидаги меморий анжумани нафақат таълим-тарбия, илм-маърифат ва соғлик-саломатлик маскани, балки бева-бечораларга озиқ-овқат ва турли хил тирикчилик воситалари улашиб турувчи табаррук мавзе ҳам ҳисобланган.

Алишер Навоийнинг бунёдкорлик фаолияти унинг чуқур дунёқарашидан келиб чиқиб, одамийликка, ҳалқпарварликка, эзгуликка йўғрилган. Навоий ўз замондошларини, ҳатто асарларидаги қаҳрамонларини ҳам бунёдкорликка ундаиди:

*Ким қилса иморатки, мақдур ўлгай,
Чун исми китобида мастур ўлгай.
Не чоққача ул биноки маъмур ўлгай,
Ул исм улус тилига мазкур ўлгай.*

Навоий ҳалқни эл-юртни обод қилишга, мамлакатни боғ-бўстонга, масканни гулистонга айлантиришга ундаиди. Шунинг учун ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома”сида тўғри қайд қилган эди: “Аҳли фазл ва аҳли хунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай...”. Навоий Ҳиротнинг йирик марказ бўлишига раҳна-молик қиласи ва бунга эришади ҳам. Бу истиқболли ва одамийлик йўлида у ҳалқка нафақат ўз шеърлари билан мурожаат қилди, балки бунёдкорликнинг барча соҳаларидан, жумладан, ўз даври меморчилик ва боғ-оройишчилик санъати чўққиларидан ҳам тўла фойдалана олди.

Натижалар ва хуроса. Алишер Навоийнинг улкан бунёдкорлик ишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида алломанинг бу соҳадаги хизматлари ҳам унинг бадиий адабиёт ва шоирлик соҳасидаги улкан хизматларидан юқори бўлса юқори, лекин кам эмаслиги маълум бўлди. Навоий ҳалқпарварлигининг моҳияти унинг шеъриятидагина бўлиб қолмай, балки унинг эл-юрт маъмурлиги ва бунёдкорлик фаолиятида, ҳалқ манфаати йўлидаги хайрли ишларida ҳам намоён бўлди. Бу ишларни амалга ошириш учун эса мемори-муҳандислар билан маслаҳатлашган ҳолда кўплаб биноларни тарҳ қилмоқ зарур эди. Ҳа, “Биное тарҳ қилмоқким ҳамеша”, деганида улуғ шоир худди шу эзгу мақсадни кўзда тутган эди. Шу боисдан буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийни катта ишонч билан айтиш мумкинки, у нафақат Шарқнинг буюк шоири, балки улкан мемори-бунёдкори бўлиб ҳам тарихга кирди.

Ҳозирги вақтда биз “Хурасоннинг Алишер Навоий даври архитектураси” мавзусидаги тадқиқот устида иш олиб борар эканмиз, унда Навоийнинг шаҳарсозлик, меморчилик, боғ-парк қурилиши,

ободончилик ва эл-юрт маъмурчилиги йўлидаги бунёдкорлик ишларининг географиясини аниқ шаҳар ва қишлоқлар ҳамда объектлар мисолида жадвал тарзида ишлаб чиқиб, ўкувчига тушунарли тарзда яхлит салномага жамлашга муваффақ бўлдик. Бундай иш Ўзбекистонда биринчи марта амалга оширилади (жадвалга қаранг).

Алишер Навоийнинг бунёдкорлик ишлари

Навоийнинг бунёдкорлик ишлари географияси (шаҳар ва қишлоқлар мисолида)							
Хирот шаҳри ва унинг атрофида	Машҳадда	Астрободда	Марв (Марида)	Мазори Шарифда	Афғонистон худудида	Ҳуросон худудида қурдирган иморатлари	Меъморий обидаларни тузатиш ва таъмирлаш
<ul style="list-style-type: none"> Навоийниң Инжил канали мавзусида ги "Унсия" уйи, боғи ва кутубхонаси "Ихлосия" мадрасаси ва унинг қархисидаги "Халосия" хонақоҳи "Шифоия" номли шифохонаси "Сафоия" номли ҳаммоми Янги Жоме масжиди Қайта таъмирланган Ҳирот 	<ul style="list-style-type: none"> Гавҳаршод масжидининг инг таъмири Шаҳар ободон эттириш мақсадида қурилган анҳор Шаҳарни сув билан таъминлаш учун қурилган канал Имом Ризо мақбараси ёnidаги айвон ва "Дор ушхуффоз" (Корилар уйи) Абдурахмон Жомий мазори устига 	<ul style="list-style-type: none"> Мир саройи Жоме масжиди Шаҳар даги ободон Шаҳар чилик ва меъморчилик ишлари 	<ul style="list-style-type: none"> Хусравия масжиди (қурилган йили 1477 й.) Мавлоно Сиррий лангаргоҳи (камбағал етим есиrlар, ғариларни овқатлантирадиган жой) 	<ul style="list-style-type: none"> Намакдо н номли улкан ички Мавлоно ҳовли боғи бўлган ошхона ва меҳмоҳон а Ушбу меҳмонхона на ҳовлисида ги "Оби зам-зам" 	<ul style="list-style-type: none"> Буст шаҳридаги Сангибас т работи • Дезобод работи • Тарак сув омбори • Ушбу меҳмонхона на ҳовлисида ги "Оби зам-зам" 	<ul style="list-style-type: none"> 16 та кўприк • 52 та работи • 18та масжид • 3 та мадраса • 11 та ҳовуз • 9 та ҳаммом • 1 та шифохона • Булоклар очдирган • Каналлар, қудуклар қаздирган • Ариқлар олдириган • Ҳовузлар қаздирган • Халқпарвар ва ибратли инсонларнинг қабрлари устига мақбарала р, 	<ul style="list-style-type: none"> Ҳиротдаги машхур жоме масжиди таъмири (1498 й) Шаҳар ва қишлоқларда ги 17 та масжидни қайта тузаттиради. Қобус минорасининг таъмири Аслон - жозиба работининг таъмири Ҳиротдаги Милкат оға шифохонаси нинг таъмири

жоме масжиди • Сифатли коғоз ишлаб чиқарадиг ан "Жувоз" биноси • Ал – ад - Давла номига курилган Чорсу биноси • Гозургоҳд аги Абдуллоҳ Ансорий мақбара ансамбли ва хазираси •Хирот шахри атрофидаг и боғлар: • Боғи Мурғоний • Боғи Сарипули — Санкашон • Боғчай Гузургоҳ •Боғчай Шавқия • Боғчай тахти Бобо Сўхта боғлари	курилган мақбара • Ошёи Мир Алишер" тегирмони • "Омбори Машҳад" сув иншооти				сағоналар, хонақоҳла р курдирган • Қўли қисқа ижодкорла р аҳлига ўз ҳисобидан ҳовли жойлар қурдириб берган	
--	--	--	--	--	---	--

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хондамир. Хулосат ул-ахбор. //ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. инв. 2209. 496-саҳифа.
2. Уралов А., Хожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданият.- Самарқанд: Суғдиёна, 1996, 151-бет.
3. Ахмедов Б. Хондамир.-Тошкент: Фан, 1965. 43-бет.
4. Усмонов О. Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби.-Тошкент: Фан, 1977. 36-38-бетлар.
5. Пугаченкова Г.А. Из художественной сокровищницы Среднего Востока.-Ташкент, 1987. -с.187-214.
6. Алишер Навоий. Вақфия.-Асарлар. 15 томлик, 13-т. – Тошкент, 1996.-179-бет.
7. Ахмедов М. Некоторые особенности формирования архитектурных ансамблей исторических сложившихся городов Средней Азии//Вопросы теории и истории архитектуры Узбекистана. Вып. 210.-Ташкент, 1977. – с. 17
8. Уралов А.С. Бани-хаммам в зодчестве Центральной Азии.-Самарканд 2003.
9. Уралов А., Сувонқулов И. Алломалар олами. – Тошкент, 1991. 42-бет
10. Абдуазизов А. Минг бир ният//Совет Ўзбекистони, 1991. 22-январь сони.
11. Валихонов О. (Бокир). Навоий ва фан// Фан ва турмиш, 1991. 9-сон, 7-б.